O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил
23 январь
ЧОРШАНБА
№ 6
(12.017)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Истиқбол лойиҳалари

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

2. ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари мустақилликнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида Ўзбекистон халқи эришаётган ютуқлар ҳақида сўз юритар экан, кейинги йиллардаги беқиёс ўзгаришлар, янгиланишлар, республика иқтисодиётининг ўсиш суръатлари барқарор тус олганлиги барча соҳаларда кенг кўламда амалга оширилаётган чуқур ва изчил ислоҳотларнинг қонуний натижаси эканлигини алоҳида таъкидлади. Тошкент вилоятидаги исталган йирик корхона фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Чирчиқдаги «Махам-Chirchiq» очиқ акциядорлик жамияти шулар жумласидандир.

– Ўтган йили ушбу акциядорлик жамияти жамоаси 148 миллиард 313,2 миллион сўмлик товар маҳсулотлари ишлаб чиқарди, – ҳикоя қилади корхонанинг молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Галина Кан. – Бу йил бошида мўлжалланган режага нисбатан 119,4 фоизни ташкил этади. Ишлаб чиқариш ҳажми эса 2006 йилдагига нисбатан 6,1 фоиз ўсди. Буни қуйидаги рақамларда яққол кўриш мумкин: аммиак – 274,5 минг тонна, аммиак селитраси – 485,9 минг тонна, карбамид – 177 минг тонна, сульфат аммоний – 119,7 минг тонна, ноконцентрат азот кислотаси – 446,3 минг тонна. 5,7 миллиард сўм соф фойда олиш кутилмоқда. Бу 2006 йилдагига нисбатан 1,7 баравар кўпдир.

– Шу ўринда бундай кўрсаткичларга корхонамизда кенг кўламда реконструкция ишлари давом этаётган шароитда эришилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим, – дейди «Махам-Chirchiq» корхонаси бош муҳандиси Фарҳод Салаватов. – Муҳандисларимиз йирик тоннали «Аммиак-76» агрегатини реконструкциялаш лойиҳасига анча салмоқли кўрсаткичларни киритганлар.

Бундан ташқари агрегатни реконструкция қилиш ўз навбатида азотли ўғитлар тайёрлайдиган асосий ишлаб чиқаришларнинг қуввати ортишига ҳам туртки беради. Натижада карбамид ишлаб чиқариш бир йилда 240 минг тоннагача, аммиак селитраси 450 минг тоннагача, сульфат аммоний 100 минг тоннагача кўпаяди. Янгиланган «Аммиак-76» агрегатида газ сарфи эса, 0,4 минг кубметрга камаяди. Бу олинаётган аммиак қийматини 18 фоизга камайтириш имконини беради.

Бозор қонунлари – ўзига яраша қатъий. Бугунги кунда шунчаки оддий эмас, балки ҳам талаб даражасида сифатли, ҳам арзон маҳсулот керак. Бинобарин, агар биз аммиакнинг таннархини пасайтирсак, ўғитларимизнинг нархи арзонлашади. Дарвоқе, биз эндиликда саноати ривожланган мамлакатларга экспорт қилишни кўпайтириш ниятида эканмиз, у ерда рақобат кучлилигини унутмаслигимиз лозим.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши ўтган сонда).

ТЕХНИКА ПАНД БЕРМАСА

деҳқон сарсон бўлмайди, иш унуми ва сифати ошади

Ўртачирчиқ туманидаги «Машина трактор парки» акциядорлик жамияти ўтган йили ҳудуддаги фермер хўжаликларига шартнома асосида қарийб 848 миллион сўмлик хизмат кўрсатди. Айни вақтда 130 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган йирик жамоа бу йилги мавсумда фаолият кўламини янада кенгайтириб, ўз техникалари билан деҳқонларга чинакам камарбаста бўлиш ҳаракатида.

Бу мавсум дала юмушларига 206 та чопиқ, 14 та ҳайдов, 3 та «Магнум» трактори, 16 та «Кейс» комбайни, шунингдек, 206 та культиватор, 424 та сеялка, 969 та борона ва бошқа агротехник ускуналар жалб этилади.

Барча техника воситаларининг мавсумда юқори унум ва суръат билан ишлаши учун уларни жорий таъмирлашга катта эътибор қаратилди. Аксарият эҳтиёт қисмлар янгиларига алмаштирилди, яроқлилари бир сидра мутахассислар назоратидан ўтказилди.

– Мақсад – ер эгаларига сифатли хизмат кўрсатиш ва шу тариқа туманимиз қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши учун мавжуд имкониятларни тўла ишга солишдир, – дейди жамият бошқаруви раисининг ўринбосари Зокир Исоқов. – Буни яхши англайдиган жамоамиз аъзолари, хусусан, механиклар Илҳом Ҳайдаралиев, Усмон Жалолов, чилангар Шуҳрат Жумабоев, пайвандчи Зокир Раҳмонбердиев бор тажриба ва малакаларини ишга солиб, таъмирлашда алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Мавсумга жалб этилган барча таъмирловчилар ва бошқа ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари қўшимча рағбатлантирилган ҳолда мунтазам бериб борилаяпти.

Дарвоқе, ҳар йили жамиятда кўрилаётган фойданинг салмоқли қисми техник негизни мустаҳкамлашга йўналтирилаяпти. Бу йил ҳам жамият ҳар бири 146 миллион сўм турадиган иккита «Класс – Доминатор» комбайнини сотиб олиш ҳаракатида. Бунинг учун таъминотчи компаниялар билан ҳар томонлама қулай ва самарали бўлган лизинг шартномалари расмийлаштирилмоқда.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: чилангарлар Абдуазим Пўлатов ва Олим Тўлабоев иш устида; жамият бошқарув раиси ўринбосари Зокир Исоқов муҳандислар Нуриддин Исоқов ва Дилмурод Эшимов билан янги таъмирдан чиққан сеялкаларни яна бир бор назоратдан ўтказмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҚИШДА ҲАМ ЁЗДАГИДЕК – ТЎКИНЛИК

МАМЛАКАТИМИЗДА ўз вақтида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захирасини яратишга алоҳида эътибор қаратилгани қиш кунларида ҳам бозорларда мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари тўкинлигини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, юртимиз бозорларида қишки мавсумда нарх-навони барқарор сақлаш учун 404 минг тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жамғарилган. Тайёрланган ушбу захира "Матлуботсавдо", "Ўзулгуржисавдо инвест" акционерлик компаниялари, "Бозорсавдо" масъулияти чекланган жамияти ва уларнинг вилоятлардаги бўлимларига қарашли омборхоналарда сифатли сақланмоқда.

Хусусан, вилоят "Матлуботсавдо" акционерлик компаниясининг жойлардаги омборхоналарида қарийб 30 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жамғарилди. 10 минг тоннадан ортиқ картошка, 10 минг тонна пиёз, қарийб олти минг тонна мева, 500 тонна дуккакли дон маҳсулотлари шулар жумласидандир.

Ҳозир ушбу акционерлик компанияси Тошкент вилояти ва пойтахт бозорларига захирадаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини пешма-пеш етказиб бераётир. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бозорларимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг танқислиги ва нархи ошишининг олди олинмоқда. Жамғарилган маҳсулотлар янги ҳосил пишиб етилгунга қадар бемалол етади.

ЎзА.

Вилоят ҳаёти

ЁШЛАР БИЛАН ГАВЖУМ

ЗАНГИОТА туманидаги Бўзсув қишлоғида ёшлар ижтимоий хизматлар маркази иш бошлади. Унда компьютер саводхонлиги ҳамда қишлоқ хўжалик тармоқларига оид тўгараклар ташкил қилинди.

Катта мажлислар зали, шинам ва ёруғ аудиторияларга эга маскан замонавий электрон ўқув анжомлари ва компьютерлар билан жиҳозланди. Энг муҳими, марказ ёшларнинг ижодкорлик ва ишчанлик қобилиятларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

СИФАТИ АСЛИДЕК

ҚИБРАЙЛИК тадбиркор Ҳайитбой Ориповнинг саъй-ҳаракати билан Байтқўрғон қишлоғида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақловчи ва қайта ишловчи мини-технология ишга туширилди.

Унинг ёрдамида махсус омборхонада бир вақтнинг ўзида 80 тонна маҳсулотни сифатига путур етказмай сақлаш мумкин. Бу мўъжаз технология аҳолини қишда ҳам сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш имконини беради.

ЯНА БИР ХИЗМАТ

ЎРТАЧИРЧИҚ тумани «Қишлоқхўжаликкимё» филиали 487 та фермер хўжалигига шартнома асосида минерал ва маҳаллий ўғитлар етказиб бермоқда. Айни вақтда тумандаги фермер хўжаликлари уюшмалари ҳудудларида филиалнинг 13 та шахобчаси ишлаб турибди.

Эндиликда филиал томонидан буюртмага қараб ҳар бир фермернинг даласида компост тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу эса фермерлар мушкулини осон қилиш ва ҳосилдорликни оширишда муҳим хизмат тури сифатида баҳоланмоқда.

Алишер РАҲМАТОВ.

БАЛИҚЧИЛИК:

ЭЪТИБОР САМАРАСИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августда қабул қилинган "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда балиқчиликни ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, балиқ етиштириш ва овлаш корхоналари хусусийлаштирилиб, соҳада бозор тамойиллари асосида рақобат муҳити шакллантирилмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, мамлакатимизда балиқ етиштириш ҳамда овлаш асосан икки йўналишда амалга оширилмоқда. Бу табиий сув ҳавзаларида балиқ овлаш ва балиқларни назорат қилинадиган шароитда кўпайтириш билан боғлиқ. Айни вақтда мамлакатимиздаги балиқ етиштириладиган кўл ва сув омборлари сатҳи 800 минг гектардан ошади.

2010 йилгача бўлган даврда соҳани янада ривожлантириш дастурида сув ҳавзаларини ҳар йили майда балиқлар билан тўлдириш, захираларни кўпайтириш, маҳсулдорликни ошириш, сув таъминотини яхшилаш масалалари ўз аксини топган. Шунингдек, балиқчилик корхоналарини зарур техника воситалари ҳамда озуқа билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари бир қанча кўл ва сув ҳавзалари тадбиркорларга узоқ муддатга ижарага берилиб, улар имтиёзли шартлар асосида лизинг ва кредитлар билан ҳам таъминланмоқда. Натижада балиқчилик хўжаликлари сони кўпайиб, балиқ ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда.

Жумладан, 2007 йилда балиқчиликка ихтисослашган икки юзга яқин фермер хўжалиги ташкил этилди. 2006 йилда балиқчилик хўжаликлари 7200 тонна балиқ етиштирган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 9 минг тоннага етди.

"Балиқчи" акционерлик жамияти – Тошкент вилоятидаги йирик балиқчилик корхоналаридан бири. Бу ерда умумий майдони уч минг гектарга яқин ҳовузларда уруғлик ва товар балиқлар парваришланади.

– 2006 йилда турдош хўжаликларга 25 миллион дона уруғлик балиқ, истеъмолчиларга эса 1600 тонна балиқ маҳсулотлари етказиб берган эдик, – дейди жамият директорининг ўринбосари Фурқат Бекмирзаев. – 2007 йилда эса корхонамизда 1800 тонна балиқ ва балиқ маҳсулотлари тайёрланди. Айни кунларда хўжалигимизда балиқ турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса келгусида халқимизнинг балиқ маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш билан бирга, қўшни давлатларга экспорт қилиш имконини ҳам беради.

Буларнинг барчаси соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Қонун ва ижро

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

МАМЛАКАТИМИЗДА Президент Ислом Каримов раҳнамолигида муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар муҳофазасини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасига дахлдор идоралар, асарлар яратиш ва уларни тарқатиш билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қонунлар бу борадаги ишлар ривожида муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланиб келаётган – ЮНЕСКО, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Жаҳон савдо ташкилоти каби қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатимизнинг Берн конвенциясига қўшилгани бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириб, муаллифлар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгалари учун катта имкониятлар яратди.

– Берн конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган асосий халқаро шартномалардан биридир, – дейди Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги бош директори ўринбосари Бахтиёр Омонов. – Конвенция универсал ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, аъзо давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қоидаларини соҳага оид миллий қонунчиликда акс эттириш орқали қўлланилади.

Ўзбекистонда 2006 йил янги таҳрирда қабул қилинган "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонун халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мослаштирилди. Бу эса мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг яққол тасдиғидир.

Юридик ва жисмоний шахслар асардан фақат ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартномага биноан ёки тегишли рухсатнома мавжуд бўлганидагина фойдаланиши мумкин.

Аммо, бозорлар ва аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз кўпайтирилиб, сотилаётган ва ижарага берилаётган асарларни ҳам кўришимиз мумкин. Мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний йўллар билан кириб келаётган компакт дисклар ҳуқуқ эгаларининг асарларидан нусха кўчириб сотилишига хизмат қилмоқда.

Тадбиркорлар аудиовизуал асарлар, фонограммалар, мультимедиа асарлари ҳамда ЭҲМ учун дастурларни сотувга чиқариши учун тегишли ҳужжатлар, жумладан, асарни тарқатиш учун ҳуқуқ эгаси билан тузилган шартнома, мазкур маҳсулот хорижий давлатдан олиб келинганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжатларига эга бўлиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга мувофиқ мазкур турдаги маҳсулотларни сотиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларига амал қилинади.

Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомда ҳам киновидеофильмлар ва дастурларни сотиш ҳамда уларнинг прокати соҳасида қонунга ва норматив-техник талабларга мажбурий тарзда риоя қилиниши шартлиги қатъий белгиланган. Қонунга зид тарзда тайёрланган киновидео маҳсулотлар сотилиши ва прокатига йўл қўйилмайди.

Истеъмолчи бундай маҳсулотларни харид қилаётганида ундаги махсус голограмма белгисига эътибор қаратиши керак.

Шунингдек, битта дискда фақатгина битта асар (фильм, мусиқий альбом ва бошқалар) бўлиши лозим. Бир нечта фильмнинг ёки альбомнинг мавжудлиги маҳсулотнинг ноқонунийлиги – контрафактлигидан далолатдир. ЭҲМ дастурларига келганда, лицензияланган маҳсулотнинг тегишли ҳужжатлари бўлади.

Ҳуқуқ эгаси билан шартнома тузмасдан асарлар ва фонограммалардан фойдаланиш, соҳа вакиллари тили билан айтганда, қароқчиликдир. Қисқаси, кино ва видеофильм, клип, фонограммалар, хусусан, аудио ва бошқаларни рухсатномасиз сотиш, ижарага бериш, ўрнатиш, алмаштириш, совға қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига мувофиқ, тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан 2007 йилда тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг мурожаатларига биноан қирқ мингдан ортиқ миқдордаги контрафакт маҳсулотларни олиб қўйиш ҳақида 21 юридик хулоса тақдим қилинди. Бу борада манфаатдор ташкилотлар ва давлат органлари билан йўлга қўйилган изчил ҳамкорлик ўз самараларини бермоқда. Хусусан, давлат солиқ хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда 1200 га яқин текшириш ва рейд ўтказилиб, икки мингга яқин қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди, уч юз минг нусхадаги аудио, видео маҳсулотлар мусодара этилди.

Мамлакатимизда Берн конвенцияси нормаларига амал қилиш, муаллифлар ва турдош ҳуқуқ эгаларига етказилаётган моддий ва маънавий зарарга барҳам бериш мақсадида тегишли тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат республика ишчи комиссияси фаолият юритмоқда. Мазкур комиссия томонидан ўтган йили бир неча маротаба контрафакт нусхалар суд қарорига асосан йўқ қилинди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Истиқбол лойиҳалари

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

«Маҳам corp. SAU» испан компанияси корхонанинг 49 фоиз акциясини сотиб олганидан сўнг, назорат пакети, яъни 51 фоиз акция «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида қолди. Шунга кўра Чирчиқдаги ушбу йирик кимёвий корхонанинг ишлаб чиқариш сиёсати давлатимиз томонидан белгиланади ва йўналтириб борилади.

– Бизнинг биринчи галдаги мақсадимиз – миллий иқтисодиётимизни сифатли ва арзон кимёвий хом ашё билан таъминлаш, – дейди Галина Кан. – Бу – давлат буюртмаси. Экспорт, гарчи у ҳар жиҳатдан фойдали бўлсада, бизнинг бирдан-бир мақсадимиз эмас. Ўтган йили чет элларга 38,3 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилдик. Бошқача айтганда, экспорт умумий маҳсулотимизнинг 33,9 фоизини ташкил этди. Бундай кўрсаткич эса, мулк ва фойдадан солиқ тўлашда имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Яъни қўшиб ёзилган сумма 50 фоиз камайтирилади. Шу йўл билан биз 2 миллиард 300 миллион сўмни тежаб қолдик. Ишлаб чиқариш жиддий реконструкция қилинаётган ҳозирги шароитда бу маблағлар жуда асқотади, албатта.

«Маҳам-Chirchiq» очиқ акциядорлик жамияти фақат «Аммиак-76» агрегатини реконструкциялашнинг ўзига 18 миллион доллар киритмоқда. Тўғри, Ўзбекистон Республикаси Реконструкция ва тараққиёт жамғармаси ва чирчиқликларнинг испаниялик шериклари «Маҳам corp. SAU» компанияси ҳам ўз ҳиссасини қўшаяпти. Бироқ бизнинг муҳандисларимиз бу жараёнда ўзларининг маблағлари ҳам «ишлаётганини» ҳар сафар фахр билан таъкидлайдилар.

Реконструкция ишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2011 йилларда кимё саноати корхоналарини модернизация-

(Давоми. Боши 1-бетда).

лаш, техника ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тўғрисида»ги Қарори доирасида давом этмоқда. Ушбу Қарорда, жумладан, лойиҳани молиялаштиришда тижорат банкларининг ҳам иштирок этиши назарда тутилган. «Маҳам-Chirchiq» жамиятидагиларнинг фикрича, корхонани реконструкция қилишда айрим банк капиталининг иштироки ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди, аммо, бу ўзига яраша қизиқарли ва намунали ишдир.

Давлат чирчиқликларни реконструкция ишлари доирасида олиб келинаётган ускуналар, жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар ва ҳатто, дастурий маҳсулотларга бож тўловлари тўлашдан озод қилиб, катта имтиёзлар берди. Бу ҳол «Маҳам-Chirchiq» корхонасидаги реконструкция ишларининг иккинчи босқичини ҳам қамраб олади.

– Корхонани модернизациялашни «Аммиак-76» агрегатини реконструкциялаш ишлари тугашини кутиб ўтирмаёқ бошлаб юбордик, – дейди бош муҳандиснинг реконструкция ва модернизация ишлари бўйича ўринбосари Иброҳим Умаров. – Бу ишларга беш йил давомида бизнинг испан шерикларимиз ҳақ тўлашади. Улар киритган инвестиция шартномада аниқ ёзиб қўйилган бўлиб, 53 миллион доллардир.

2010 йилнинг май ойигача «Маҳам-Chirchiq»да модернизациялашган азот кислотаси ишлаб чиқариш линиясини ишга туширишни мўлжаллашмоқда. Лойиҳанинг қиймати – 4,4 миллион доллар. Шунингдек, кичик зичликда нитрат аммоний ишлаб чиқариш қурилмасини ўрнатиш ҳам лозим бўлади.

– Биз қуйида санаб ўтмоқчи бўлган кимёвий маҳсулотларнинг номи соҳадан беҳабар оддий кишиларга ҳеч қандай тасаввур бермаслиги мумкин, – дейди Фарҳод Салаватов. – Аммо, ишонинг, амалда улар мамлакатимизда яшаб турган ҳар бир инсонга наф келтиради. Масалан, айтайлик, Олмалиқдаги «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти, ниҳоят, аммиакни узлуксиз етказиб бериш бўйича биздан ишончли кафолат олади. Сифатли, юқори технологияли ўғитлар кўп бўлса, табиийки, фермерлар керагича таъминланади. Демак, дастурхонда нон, уйда кимёвий рўзғор буюмлари кўпаяди. Пахта ҳосилининг ортишидан келадиган фаровонликни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

«Маҳам-Chirchiq» корхонасини реконструкциялашнинг иккинчи босқичини ҳам молиялаштириш худди биринчиси сингари тўла таъминланган. Бу эса, чирчиқликларга ўз лойиҳаларини сифатли ва муваффақиятли амалга ошириш учун энг ишончли кучларни жалб этиш имконини беради. Жумладан, ҳозир Чирчиқда Россиянинг корбамид илмий-тадқиқот институти ҳамда «катта кимё» оламида анчагина машҳур бўлган «Сеатаg» француз фирмасининг шерикчилик қилиш тўғрисидаги таклифлари кўриб чиқилмоқда.

– Корхонамизни қуришга киришилган даврни эслаб, шуни таъкидламоқчиманки, бу жараён 8 йил давом этганди, – дейди Фарҳод Салаватов. – Ҳозир эса биз модернизация ишлари учун икки баравар қисқа муддат белгиладик. Ишонамизки, бундай жадалликка эришиш имконияти туғилгани фақат ва фақат мустақиллик туфайлидир. Биз – ўз корхонамизнинг эгалари сифатида аниқ дастур асосида ишлаяпмиз.

Сергей МУТИН, Фарҳод РАСУЛОВ, Юрий ЧЕРНОГАЕВ.

СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (тонна):	2005 йилда	2006 йилда
карбамид	132600	167862
аммиак селитраси	402000	478660
сульфат аммоний	103300	104085
Шу жумладан экспортга жўнатилгани:		
карбамид	56100	7609
аммиак селитраси	43400	103184
сульфат аммоний	24400	29160

2007 йилда экспорт қилинган маҳсулотлар (тонна):	
карбамид	– 109971,273
аммиак селитраси	– 143768,699
сульфат аммоний	– 33771,339
бошқа маҳсулотлар	– 3,06 миллион доллар

Ўқув-машғулот

АЙНИ вақтда мамлакатимизда фермер хўжаликлари раҳбарларининг билим ва малакаларини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар юқори савияда давом этмоқда. Республика фермер хўжаликлари уюшмаси маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган мазкур ўқув-машғулотлари бошланажак янги мавсум олдидан фермерлар учун ғоят фойдали ва самарали бўлмоқда.



ФЕРМЕР УЧУН ФОЙДАЛИ

Айниқса, уларда соҳага оид ҳукумат қарорларининг моҳиятини чуқур таҳлил этиб, тармоқда жорий этилаётган янгиликлар хусусида етарли тушунчалар берилаётгани заминдорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигига оид илм-фан ютуқлари, замонавий технологиялар билан ҳам чуқурроқ танишиш имкони яратилмоқда.

Шундай семинарлар Янгийўл туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ҳам давом этмоқда. Бу ерда боғдорчилик ва сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари ўз малакаларини оширишга ва ишлаб чиқариш линиясини ишга туширишни мўлжаллашмоқда. Лойиҳанинг қиймати – 4,4 миллион доллар. Шунингдек, кичик зичликда нитрат аммоний ишлаб чиқариш қурилмасини ўрнатиш ҳам лозим бўлади.

– Биз қуйида санаб ўтмоқчи бўлган кимёвий маҳсулотларнинг номи соҳадан беҳабар оддий кишиларга ҳеч қандай тасаввур бермаслиги мумкин, – дейди Фарҳод Салаватов. – Аммо, ишонинг, амалда улар мамлакатимизда яшаб турган ҳар бир инсонга наф келтиради. Масалан, айтайлик, Олмалиқдаги «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти, ниҳоят, аммиакни узлуксиз етказиб бериш бўйича биздан ишончли кафолат олади. Сифатли, юқори технологияли ўғитлар кўп бўлса, табиийки, фермерлар керагича таъминланади. Демак, дастурхонда нон, уйда кимёвий рўзғор буюмлари кўпаяди. Пахта ҳосилининг ортишидан келадиган фаровонликни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

«Маҳам-Chirchiq» корхонасини реконструкциялашнинг иккинчи босқичини ҳам молиялаштириш худди биринчиси сингари тўла таъминланган. Бу эса, чирчиқликларга ўз лойиҳаларини сифатли ва муваффақиятли амалга ошириш учун энг ишончли кучларни жалб этиш имконини беради. Жумладан, ҳозир Чирчиқда Россиянинг корбамид илмий-тадқиқот институти ҳамда «катта кимё» оламида анчагина машҳур бўлган «Сеатаg» француз фирмасининг шерикчилик қилиш тўғрисидаги таклифлари кўриб чиқилмоқда.

– Корхонамизни қуришга киришилган даврни эслаб, шуни таъкидламоқчиманки, бу жараён 8 йил давом этганди, – дейди Фарҳод Салаватов. – Ҳозир эса биз модернизация ишлари учун икки баравар қисқа муддат белгиладик. Ишонамизки, бундай жадалликка эришиш имконияти туғилгани фақат ва фақат мустақиллик туфайлидир. Биз – ўз корхонамизнинг эгалари сифатида аниқ дастур асосида ишлаяпмиз.

Айниқса, уларда соҳага оид ҳукумат қарорларининг моҳиятини чуқур таҳлил этиб, тармоқда жорий этилаётган янгиликлар хусусида етарли тушунчалар берилаётгани заминдорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалигига оид илм-фан ютуқлари, замонавий технологиялар билан ҳам чуқурроқ танишиш имкони яратилмоқда.

Шундай семинарлар Янгийўл туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ҳам давом этмоқда. Бу ерда боғдорчилик ва сабзавотчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари раҳбарлари ўз малакаларини оширишга ва ишлаб чиқариш линиясини ишга туширишни мўлжаллашмоқда. Лойиҳанинг қиймати – 4,4 миллион доллар. Шунингдек, кичик зичликда нитрат аммоний ишлаб чиқариш қурилмасини ўрнатиш ҳам лозим бўлади.

– Биз қуйида санаб ўтмоқчи бўлган кимёвий маҳсулотларнинг номи соҳадан беҳабар оддий кишиларга ҳеч қандай тасаввур бермаслиги мумкин, – дейди Фарҳод Салаватов. – Аммо, ишонинг, амалда улар мамлакатимизда яшаб турган ҳар бир инсонга наф келтиради. Масалан, айтайлик, Олмалиқдаги «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти, ниҳоят, аммиакни узлуксиз етказиб бериш бўйича биздан ишончли кафолат олади. Сифатли, юқори технологияли ўғитлар кўп бўлса, табиийки, фермерлар керагича таъминланади. Демак, дастурхонда нон, уйда кимёвий рўзғор буюмлари кўпаяди. Пахта ҳосилининг ортишидан келадиган фаровонликни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

«Маҳам-Chirchiq» корхонасини реконструкциялашнинг иккинчи босқичини ҳам молиялаштириш худди биринчиси сингари тўла таъминланган. Бу эса, чирчиқликларга ўз лойиҳаларини сифатли ва муваффақиятли амалга ошириш учун энг ишончли кучларни жалб этиш имконини беради. Жумладан, ҳозир Чирчиқда Россиянинг корбамид илмий-тадқиқот институти ҳамда «катта кимё» оламида анчагина машҳур бўлган «Сеатаg» француз фирмасининг шерикчилик қилиш тўғрисидаги таклифлари кўриб чиқилмоқда.

– Корхонамизни қуришга киришилган даврни эслаб, шуни таъкидламоқчиманки, бу жараён 8 йил давом этганди, – дейди Фарҳод Салаватов. – Ҳозир эса биз модернизация ишлари учун икки баравар қисқа муддат белгиладик. Ишонамизки, бундай жадалликка эришиш имконияти туғилгани фақат ва фақат мустақиллик туфайлидир. Биз – ўз корхонамизнинг эгалари сифатида аниқ дастур асосида ишлаяпмиз.

Сергей МУТИН, Фарҳод РАСУЛОВ, Юрий ЧЕРНОГАЕВ.

СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

СУРАТЛАРДА: мутахассис Гулзина Эркаева тингловчиларни биолаборатория фаолияти билан таништирмоқда; коллежнинг тажрибали ўқитувчиси Мирзаҳамдам Нурматов фермерларга боғдорчиликда қишки-баҳорги дозарб юмушлар хусусида тушунча бермоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЙИЛДАН йилнинг фарқи бор, деганларидек, ҳар бир йил ҳаётимизда, эл-юрт, Ватан равнақида ўзига хис из қолдиради. Шундай экан, ўтган Ижтимоий ҳимоя йили ижтимоий ҳамда иқтисодий соҳаларда катта самаралар келтирганлиги билан тарихга киради.

ЎТГАН КУНЛАР САРҲИСОБИ

Янги йилни катта меҳнат ютуқларидан руҳланиб, ёруғ юз билан қарши олишга нима етсин. Шундай пайтларда эришилган муваффақиятлардан кўнгиллар чоғ бўлиб, бунданда юксак марралар кўзланади, эзгу-мақсадлар дилга тугилади.

Ўзбекистоннинг дастлабки мустақиллик йилларидан то шу кунга қадар "Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги, истикболи учун" тамойили асосида барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кенг кўламли давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси таъминланмоқда. Хусусан, инсон манфаатларини таъминлаш, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш масаласи 2007 йилги кўламли давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топди. Мазкур дастур вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси фаолияти асосини ташкил этиб, бу борада бир қатор амалий ишлар қилинди. Жумладан, вилоят дастури 7 йўналишда 99 банддан иборат бўлиб, унга мувофиқ 41 миллиард 865,5 миллион сўм, шундан 21 миллиард 126,3 миллион сўми бюджет маблағларидан, қолгани эса, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан йўналтирилиши кўзда тутилган эди.

Дастурнинг уч йўналиши бевосита бошқарма тизимидаги идора ва ташкилотлар ҳамда жойлардаги маҳалла қўмиталари билан амалга ошириладиган ишлардир. Шу боис, жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармаларнинг вилоят бўлимлари, турли жамиятлар билан ҳамкорликдаги вазифалар юзасидан муҳим чора-тадбирларни белгилаб олган эдик. Йил давомида улар ўз ечимини топди. Хусусан, дастур ижросини таъминлаш мақсадида туман, шаҳар бўлимлари 1729 нафар ёлғизлар, шунингдек, 1904 нафар қўшимча ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ёлғиз яшовчилар йилнинг 1-, 2-чораракларида диспансер кўригидан ўтказилди. Ўзгалар парваришига муҳтож, деб топилган 2616 нафар ёлғиз пенсионерларнинг уйида ижтимоий хизмат кўрсатиш ташкиллаштирилди. Бу ишларга бўлимларимиз, жамоат ишларига жалб этилган ҳамда Қизил Ярим ой жамиятининг "патронаж" ходимлари бириктирилди. 154 нафар ёлғизларнинг уй-жойини таъмирлашга ҳомийларимиз ўз маблағлари ҳисобидан 22 миллион 706,3 минг сўм сарфлашди.

Йил давомида турли сиҳатгоҳларимизда 2215 пенсионер ва ногиронлар ўз соғлигини тиклаб қайтди. Бундан ташқари, ҳомийлар ҳиммати билан 2076 нафар уруш ва меҳнат фахрийси турли сиҳатгоҳ ва профилакторийларда даволандилар.

Ҳозир деярли барча шаҳар ва туманларда ёлғизларнинг дам олиш ҳамда ўзаро мулоқотда бўлишлари учун хизмат қиладиган жамоат марказлари ишлаб турибди. Уларга шу кунга қадар, 1260 нафардан зиёд ёлғиз, пенсионер ва ногирон кишилар ташриф буюришди. Бундай ҳордиқни ҳар жиҳатдан яхши ташкил этиш учун ҳомийларимиз 29 миллион 505 минг сўм маблағ сарфлашди. Шунингдек, улар бу марказларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва таъмирлашга 26 миллион 204 минг сўм маблағ ажратишди.

Оҳангарон "Саховат" уйини таъмирлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларига "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти томонидан 900 миллион сўмдан зиёд маблағ жалб этилди. "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан юз ўринли "Саховат" уйи қуриб битказилди.

Бу каби хайрли ишлар фаолиятимизнинг бир жиҳати, холос. Булардан кўриниб турибдики, ижтимоий қўллаб-қувватлаш қамрови тобора кенгайиб, бу ишларда ҳомийларимизнинг ҳиссалари ортиб бормоқда. Бундай хайрли ҳаракатлар 2008 йилда ҳам изчил давом эттирилади.

Ҳикматжон ИСАМУҲАМЕДОВ, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ» танловига марҳамат!

Азиз ҳамкасблар! Ўзбекистонда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинган 2007 йил ҳам энди тарихга айланди. Ўтган йили мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш, жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда аҳолини моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш йўлида жуда катта бунёдкорлик ва хайрия ишлари амалга оширилди.

Халқимиз эришаётган ютуқларни, унинг ўй-мақсадларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, жамоатчи мухбирлар, сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти" танловида қатнашишга таклиф этамиз. Танловга 2007 йил июндан 2008 йил июнгача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар тахририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумот ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 2008 йил 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. **Телефонлар:** 144-64-62; 144-37-87.
Факс: 144-69-65.
E-mail: ijod@sarkor.uz www.Journalist.uz

«ТАЛАБАЛАР САЙЛГОҲИ»

Вилоят педагогика институтида ташкил этилган маънавият маркази самарали фаолият юритмоқда. Бу ерда «Мунозара», «Сиёсий фазо» каби ёшлар клублари ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Ёшлар йили муносабати билан марказ фаоллари Ангрен шаҳридаги академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, маҳаллаларда бўлиб, давра суҳбатлари уюштирмоқдалар. «Мустақиллик ва толиби илмлар» мавзусидаги учрашувларда олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчилари ҳам иштирок этмоқдалар.

Марказ саъй-ҳаракати билан «Талабалар сайлгоҳи»ни барпо этиш режалаштирилди. Ангрен шаҳар маданият ва истироҳат боғи ҳудудида бунёд этиладиган бу сўлим гўша Наврўз байрамига яхши совға бўлади.

1200 ТА МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ

Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этди.

Зангиота туманида ҳам Қарор эълон қилинганидан сўнг кам таъминланган оилалар рўйхати тузиб чиқилди. Ўша йилнинг ўзида ижтимоий ҳимояга муҳтож 200 га яқин оила қорамол билан таъминланди. Ўтган йили эса 300 тадан ортиқ хонадон бундай ҳимматдан баҳраманд бўлди. Уй шароитида чорвачилик билан банд бўлган 1200 нафар фуқарога меҳнат дафтарчаси очилди.

Акбар АЛИЕВ.

МАВСУМ ТАДОРИГИ

Бўка туманидаги Барот Умаров номли фермерлар уюшмасининг муқобил машина-трактор паркида мавжуд 11 та сеялка, 15 та культиватор ҳамда ҳайдов тракторлари мавсумга ҳозирлаб қўйилди.

– Таъмирлаш ишларининг ўз вақтида сифатли бажарилиши учун барча шароитлар яратилди, – дейди парк бошлиғи, фермер Шоҳида Азизова. – Шу билан бир қаторда 755 гектар пахта майдонига пешма-пеш маҳаллий ўғит чиқарилмоқда.

Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги тугатилиши муносабати билан ширкат хўжалигига қарашли бўлган қуйидаги бино ва иншоотлар кимошди савдосига қўйилади:

1. Маданият саройи биноси.
Бошланғич нархи – 69 миллион 400 минг сўм.
2. Қурилиши тугалланмаган маъмурий идора биноси.
Бошланғич нархи – 57 миллион 635 минг сўм.
3. Дон қабул қилиш ва саралаш, қайта ишлов бериш маскани. Омборлари билан.
Бошланғич нархи – 32 миллион сўм.
4. МТПга туташ бўлган қурилиши тугалланмаган қўшимча бино.
Бошланғич нархи – 10 миллион сўм.

Кимошди савдоси шу йил 29 январь куни соат 10.00 да қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ тумани, Тошкент қишлоқ фуқаролар йиғини. Сурум маҳалласи Маданият саройи биноси.
Телефонлар: 8 (371) 567-24-72, 100-21-32.
Алишер Навоий номли ширкат хўжалигини тугатиш комиссияси.

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент в. Қибрай т. суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 25.05.2007 й №10-0719/6169, 04.06.2007 й № 11-07-05/4689 ва 01.03.2007 й № 10-0719/2260-б суд буйруқларига асосан хатланган, "Иссиқлик манбаи" омборида сақланаётган, "ЗИЛ-138А" русумли, д/р 11 АЬ 225, 1978 й и/ч. **Бошланғич баҳоси – 2 941 454 сўм.**

Тошкент в. Қибрай т. суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 19.06.2007 й № 2438 ижро варақасига асосан хатланган, "Арғин-савдо" УКнинг омборида сақланаётган "КАМАЗ-5320" русумли д/р 30Х977ЕWМ, 1990 й и/ч. **Бошланғич баҳоси – 12 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2008 йил 26 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-га МФО 00901, ИНН 200933850, х/р 20210000500571452105 тўланади.

Манзил: Тошкент ш. С. Раҳимов т. М. Ўразбоев кўч. 1-А уй. **Тел.:** 228-79-52.
www.rkmb.uz
Гувоҳнома DB 001 № 000004.

ҲАР НАРСАНИНГ МЕЪЁРИ БОР

ВИЛОЯТИМИЗ ҳудудидаги экологик вазиятни барқарорлаштириш ва табиий муҳитнинг мусаффолигини таъминлашда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги тизимлари ходимлари томонидан олиб борилаётган назорат ишлари ўз самарасини бермоқда.

2007 йил якунига доир ҳисоботлар таҳлили тадбиркорлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва корхоналар томонидан ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар дастурлари туфайли атроф-муҳит муҳофазасида ўтган йилларга нисбатан ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Чунончи, вилоятимиз ҳудудидаги мавжуд ер ости бойликларидан фойдаланувчи карьерлар томонидан қум, шағал, тупроқ, оҳактош, мармар каби норуда қурилиш маҳсулотлари қазиб олишда зарур бўладиган меъёрий ҳужжат лойиҳаларини тайёрлашга анчагина жиддий эътибор қаратилган. Бунинг натижасида мавжуд 72 карьердан атроф-муҳитга чиқадиган changларни ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларининг ҳажмини аниқлаш, уларни бошқариш ва кузатиш имконияти туғилди. Энг муҳими, таркиби бузилган, фойдаланишдан бўшаган ерларнинг 262,2 гектари қайта тикланди. Карьерларда ҳосил бўлаётган иккиламчи хом ашёлар, ишлаб чиқариш чиқиндилари 100 фоиз қайта ишлатилаяпти. Бу йўл орқали эса, корхоналар ҳудуди ва атрофлари кўркам ва обод бўлишига эришилаяпти.

Ўтган ҳисобот йилида 120000 метр куб ҳажмдаги ҳар хил чиқиндилар қайта ишланиб, экологик вазият яхшиланишига ва каттагина иқтисодий самарадорликка эришилди. Бунда «Нерудник» ОАЖ, Янгийўлдаги «Ғайратбек» ғишт заводи, «Оҳангаронцемент» корхонаси мутахассислари ҳамда қўмита ходимлари ўзаро ҳамкорликда намуна кўрсатишди.

Шунингдек, ер ости бойликларидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Республика Президентининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу муҳим ҳужжатлар, нафақат вилоятимиз балки республикамиз ҳудудидаги мавжуд ер ости бойликларидан фойдаланишни тартибга солиш, табиий ресурсларимизни асраш, атроф-муҳит экологиясини барқарор сақлашга хизмат қилмоқда.

Абдумуталиб АБДУХОЛИҚОВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси махсус нозирлиги бошлиғи.

2007 йил вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фаолиятида қандай из қолдирди? Мавжуд муаммолар қай йўсинда ҳал этилди? Ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида қўмита раисининг биринчи ўринбосари Холтўра Сувоновни суҳбатга чорладик.

ТЕКШИРИШ ЭМАС, УНИНГ САМАРАСИ МУҲИМ

– Кузатилган йилда ҳам давлат нозирларимиз ишида ҳукуматимизнинг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилди, – деди Х. Сувонов. – Ушбу Қонун талабларининг бажарилиши экологик вазиятни яхшилаш ва унинг барқарорлигини сақлаб қолиш борасида муайян ишларни амалга оширишга замин яратади.

– Баъзан корхона, ташкилот раҳбарлари текширишлардан безор бўлишганидан зорланишади. Нима деб ўйлайсиз, бунга сабаб ҳақиқатан ҳам текширишлар кўпайиб кетганлигими ёки меъёридан ортиқ ҳужжатлар талаб қилинишими?

– Тўғрисини айтганда, ҳар иккала ҳолат ҳам корхона раҳбарини безор қилади. Яна шуниси борки, қонуний фаолият юритувчи корхона раҳбари ҳеч қандай текширишга монелик қилмайди.

Лекин мамлакатимизда текширишлар сонини қисқартириш ҳамда улар самарадорлигини ошириш борасида муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бизнинг тизимда ҳам текширишлар ўтказишга жиддий эътибор қаратилади. Бунда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг қарори билан тасдиқланган режа-жадвалга асосланилади. Шу маънода ўтган йили режа-жадвалга кўра белгиланган муддатларда 131 та корхона ва ташкилотда текшириш ўтказилди.

Шунингдек, Кенгашнинг вилоят бўйича ҳудудий комиссиясининг рухсати билан Ўртачирчиқ туманидаги «Бектемир пахта тозалаш заводи» очиқ ҳиссадорлик жамияти ва «Я-Дем» қўшма корхонаси, Зангиота туманидаги «Янгийўл Темз» масъулияти чекланган жамияти ҳамда чорвачиликка ихтисослашган 25 та субъект қўшимча текширилди. Шу билан бирга Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг хатига биноан вилоят молия ва статистика бошқармалари билан келишилган ҳолда бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган 50 та ташкилотда ҳам текшириш ўтказилди.

– Ўтказилаётган текширишлар кутилган самарасини бераяптими?

– Дарҳақиқат, текширишлар номига бўлмаслиги керак. Ҳар бир текширишда аниқликка ҳамда холисликка асосланиш шарт. Шунга кўра юқорида санаб ўтилган барча текширишлар натижасида тегишли далолатнома ва қонунбузарликлар ҳақидаги ҳужжатлар расмийлаштирилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан йил давомида 1069 та банддан иборат кўрсатмалар берилди, уларнинг 937 таси бажарилган бўлса, қолганларининг ижро муддати ўтмаганлиги сабабли назоратга олинган.

Текширишлар мобайнида «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунни бузган 145 шахсга 25 миллион 752 минг сўмлик товон тақдим этилиб, уларнинг 133 нафаридан 22 миллион 542 минг сўм ундирилди. «Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш» махсус нозирлиги томонидан ноқонуний дарахт кесилишига оид 8 та даъво иши тергов органларига топширилди. Ҳозир бу масала юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Иккита иш бўйича эса прокуратура органларидан жавоб олинди.

– Атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни ножўя жойлаштирганлик учун тўловлар ундириш қўмита фаолиятининг асосий йўналишларидан бири. Бундай тўловлар кимлардан ва қай тартибда ундирилади?

– Сиз айтган тўловларга экологик вазиятни тартибга солиб туришнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралади.

Ўтган йили 160 та корхона раҳбарияти билан 490 миллион 199 минг сўмлик қоплама тўловлар хусусида келишилган. Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бўнак тўловлар ҳисобига 1 миллиард 174 миллион 695 минг сўм маҳаллий жамғарма ҳисоб рақамига келиб тушди. Ушбу маблағ ҳисобидан республика давлат бюджетига 563 миллион 821 минг сўм, табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармасига 133 миллион сўм ўтказилди.

– 2007 йил давомида экологик вазиятни яхшилаш борасида амалга оширилган қандай чора-тадбирларни алоҳида таъкидлашни истардингиз?

– Аввало, бундай чора-тадбирларни талаб даражасида ва юқори савияда бажариш учун маҳаллий жамғармадан қўшимча 239 миллион 79 минг сўм ажратилди.

Умумий қилиб айтганда, 22 та корхонада 36 та тадбир ўтказилган бўлиб, уларга 19 миллиард 358 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди. Жумладан, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ишлари бўйича 12 та тадбирга 2 миллиард 99 миллион, 9 та сув манбалари муҳофазаси тадбирига 2 миллиард 448 миллион ҳамда ер ресурсларини муҳофаза қилиш ишларига 14 миллиард 810 миллион сўм сарфланди.

Муҳим тадбирлар сирасига «Янги Ангрен» иссиқлик электр станциясида иккита йирик маҳмуани мустаҳкамлаш ва қуриш, вилоят корхоналарида ишдан чиққан симобли лампаларни утилаштириш, «Оҳангаронцемент» корхонасидаги 4 та айланма печни таъмирлашни киритиш мумкин.

Амалга оширилган тадбирлар эвазига Олмалиқ кон-металлургия комбинатида атмосфера ҳавосига чиқариладиган 2000 тонна олтингугурт қўш оксиди ва «Янги Ангрен» ИЭСда 3000 тонна кулни ушлаб қолишга эришилди. Шу билан бирга атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддаларни 4,5 тоннага ҳамда очиқ сув ҳавзаларига чиқарилаётган ифлосланган сувларни 4,2 миллион куб метрга камайтириш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам қутилган самараларни берди.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ТОШКЕНТ вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририяти ҳамкорлигида вилоятнинг шаҳар ва туманлари босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларни ҳамда мустақил ижодкорларни илк маротаба ташкил этилаётган «Табиатни асранг, дўстлар!» кўрик-танловида қатнашишга таклиф этади.

Танловдан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар:

– аҳолининг атроф-муҳит ҳамда табиий бойликларни асраб-авайлаш борасидаги билим ва бевосита иштирокини кучайтириш;

– экология мавзусида қалам тебратаётган журналистларнинг касб маҳоратини ошириш;

– табиатни муҳофаза қилиш тизимидаги долзарб муаммоларни ва уларнинг ечимларини фаол ёритаётган ижодкорларни аниқлаш ва уларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш.

Танлов иштирокчилари учун шартлар:

– экология мавзусига доир турли журналистик жанрларда тайёрланган ва матбуотда эълон қилинган бешта материали;

– ўзи ҳақида (фамилияси, исми, касби, паспортга оид маълумотлар);

– фаолият олиб бораётган (агар ишламаётган бўлса ҳамкорлик қилаётган) таҳририятдан тавсифнома тақдим этилиши лозим.

Танлов ғолибларига мукофотлар.

Танлов ғолиблари ҳамкорлар томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Танловда қатнашиш учун ҳужжат ва материаллар «Оламни асранг, дўстлар!» танловига» деган қайд билан «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари таҳририятига 2008 йил 25 майга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 6-қават, 606-, 614-хоналар.

Телефонлар: 233-70-10, 233-64-95. **www.th.uz. e-mail. Sanam5@yandex.ru**

Табиат ва инсон

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси



Қиш чилласи авжида

ВОДОРОДГА АСОСЛАНГАН ИҚТИСОДИЁТ

ИСЛАНДИЯ «Водород асосидаги иқтисодиёт»ни яратиш режасини дунёда биринчи бўлиб ҳаётга татбиқ этмоқчи. Бу орқали эса қазиб олинадиган ёқилғининг барча турларидан фойдаланишни тўхтатишга тайёргарлик кўрмоқда.

Мамлакат бутун транспорт тизимини ва ҳатто, улкан балиқ овлаш флотини ҳам водород асосида ишлашга ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Натижада атмосферага чиқарилаётган карбонат ангидрид миқдори 50 фоизга камаяди.

Лойиҳанинг етакчи тарафдори профессор Арнасон шундай дейди: «Менинг ёшимдаги кишилар бу ишнинг бошланишини кўришади. Менинг фарзандларим ўзгаришларнинг гувоҳи бўладилар. Натижада, набираларим фойдаланадиган энергия тизими шаклланади. Бу яхши истиқболдир».

САРФ КАМАЙИБ, ФОЙДА ОРТАДИ

ГОЛЛАНДИЯ ҳукумати 2010 йилгача атмосферага карбонат ангидрид чиқарилишини йилига аҳоли жон бошига 14 тоннадан 4 тоннагача, 2030 йилга бориб эса 1,7 тоннагача камайтириш, чучук сув истеъмолини 38 фоизга, алюминий сарфини 80 фоизга ҳамда ёғоч сарфини 60 фоизга камайтиришни режалаштирмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни аҳоли жон бошига 0,45 гектардан 0,25 гектаргача пасайтириш ҳам кўзда тутилаётир.

Айни маҳалда турмуш даражасининг ўсиши ҳам таъминланади.

ВИЛОЯТ табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси тасарруфида 6 та минтақа ва 10 та туман қўмитаси мавжуд бўлиб, 66 нафар давлат нозири атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш билан шуғулланмоқда.

ХОДИМЛАР МАЛАКАСИ БАҲОЛАНДИ

Уларнинг асосий вазифалари хўжалик субъектларида табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳамда вилоятимиз экологияси ва табиат бойликларини асраб-авайлашдан иборатдир.

Албатта, бундай масъулиятли вазифаларни бажаришда ҳар бир давлат нозиридан юксак билим ва тажриба талаб этилади. Бунинг учун улар ҳар икки йилда бир марта марказий қўмитада тузилган ишчи комиссиялар ёрдамида аттестациядан ўтказиб турилади. Қўмита раҳбарияти томонидан нозирларнинг билимини мунтазам ошириб бориш учун белгиланган вақтда ўқув машғулотлари ташкил этилади.

Ўтган йилнинг декабрь ойида қўмитамиз томонидан давлат нозирларини аттестациядан ўтказишнинг янги усули илк марта қўлланилди. Республика миқёсида биринчи марта ташкил этилган бу усул мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди. У мамлакатимиз олий ўқув юртларида фойдаланиладиган тест синови тарзида ўтказилди. Барчада катта қизиқиш уйғотган бу синовларда жами 54 нафар давлат нозири ўз билим ва тажрибаларини имтиҳондан ўтказишди. Бунда ҳар бир нозирга 30 тадан савол тақдим этилди. Тўғри саволга 2 баллдан берилиб, камида 36 балл тўплаган инспектор хўжалик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлди.

Натижалар шуни кўрсатдики, 54 нозирдан 44 нафари аттестациядан муваффақиятли ўтди. Қолган 10 нафари эса етарлича балл тўплай олмаганлиги сабабли низом талабларидан келиб чиққан ҳолда маълум муддат ичида комиссия иштирокида яна бир бор синовдан ўтказилади.

Қўмитамиз томонидан давлат нозирларининг билим ва тажрибаларини янада оширишнинг бундай самарали усули энди доимий қўлланиладиган бўлди.



Мунира ҒУЛОМОВА,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ходимлар бўйича бош мутахассиси.

СУРАТДА: давлат нозирлари имтиҳон вақтида.

МАЪЛУМКИ, атмосферада ҳар хил товушлар мавжуд: момақалдироқ, транспорт воситалари, корхона дастгоҳлари товушлари, радио, телевидение эшиттиришлари, телефон қўнғироқлари, одам ва ҳайвонларнинг овози, мусиқа асбобларидан тараладиган садолар ва ҳоказо. Албатта, ҳамма товушлар ҳам кишига зарарли таъсир этавермайди. Қушларнинг сайраши, сувнинг шилдираши, дарахт баргларининг шитирлаши, ёқимли мусиқа киши чарчоғини босиб, кайфиятини яхшилайди. Аммо асабга тегадиган товушлар ҳам йўқ эмас.

ШОВҚИН - САЛОМАТЛИК ЭГОВИ

Кўҳна Хитойда оғир жиноят содир этганлар «мусиқа азобига» ҳукм қилинган. Тўхтовсиз давом этувчи баланд мусиқа овози кишига оғир қийноқ азобини берар экан. Қадимдан шовқиннинг зарарли таъсирини билиб, ундан кишиларни асраш чораларини ҳам кўрганлар. Эрамиздан олдинги 50-йилларда подшоҳ Юлий Цезарь кечаси аҳоли тинч ухласин, деб Рим кўчаларида ҳар қандай аравaнинг юришини тақиқлаб қўйган. Англия қироличаси Елизавета I (1533-1603) одамларнинг оромини бузмаслик мақсадида бемаҳалда, ҳатто, эр-хотинлар жанжалини ман қилган. Ўша пайтларда ҳозиргидек шовқин манбалари деярли бўлмаган, ҳатто баъзан бўлиб турадиган оилавий жанжаллар атрофдагиларнинг кайфиятини бузмасин, деб унга қарши қатъий кураш олиб борилган.

Мамлакатимиздаги йирик шаҳарлар аҳолисининг 60 фоизидан ортиғи шовқиннинг ёмон таъсиридан шикоят қилганлиги аниқланган. Машҳур бактериолог олим Роберт Кох (1843-1910) «Ҳозирги кунда инсон вабо ва ўлатга қарши қандай курашаётган бўлса, келгусида одамлар ўзини шовқиндан асраш учун шундай курашади» деб башорат қилган эди. Олимнинг 100 йил бурун айтган гаплари бугунги кунга келиб, ўз исботини топаяпти. Шаҳар ва туманларимиздаги кўп корхоналарда иш жараёнида шовқин юқори бўлади. Ёғочни қайта ишлаш, темир-бетон заводлари, баъзи корхоналардаги токарлик цехларининг дастгоҳларидан чиққан шовқиндан ишчилар азият чекишади. Бундай корхоналарда ишловчи кишиларнинг асаблари ўйнаб, кайфияти ёмонлашади, иш унумдорлиги пасаяди. Мунтазам шовқин таъсирида кишининг қулоқлари битади, эшитиш қобилияти сусаяди.

Шовқин қулоқ орқали бош мия фаолиятига таъсир этади. Кишининг боши оғрийди, иштаҳаси бўғилади, кечаси яхши ухлай олмайди. Шовқин таъсири бош мия орқали ички органлар фаолиятига ҳам ўтади: юрак хуруж қилади, қон босими ошади, модда алмашинуви кучаяди, ошқозон-ичак касалликлари зўраяди.

Аниқланишича, шовқин кишининг кўриш қобилиятини 26 фоизгача камайтирар экан. Тажриба орқали ҳайвонга кучли товуш таъсир этилганда, аввало териси куйганлиги, кейин шол бўлиб қолганлиги кузатилган.

Шовқинли корхоналарда ишловчи кишилар бундай шароитга аста-секин ўрганиб қолади, дейишади. Аслида аксинча, бундай корхоналарда шовқин кишилар организмига мунтазам таъсир этиб, улар саломатлигини аста-секин емира бошлайди, натижада бир неча йил ўтгач, ишчилар у ёки бу касалликка чалинишади. Улар ишдан кейин дам олиш пайтларида ҳам, яъни уйда телевизор кўрганларида ёки радио эшитганларида, шаҳар кўчаларида сайр қилганларида, кино, спорт мусобақалари, концерт ёки театрда ҳам хилма-хил товушлар таъсирида бўладилар.

Илгари, бозорда, шаҳарларнинг истироҳат боғлари ва аҳоли гавжум бўлган бошқа жойларда кучли радиокарнайлар ўрнатилган эди. Сўнг, шовқин-сурондан сақланиш мақсадида радиокарнайлар олинди. Кейинги пайтларда бозорда ва унинг атрофида кўплаб турли концерт, кино, мусиқий альбомларнинг аудио ва видеокассеталари билан савдо қилувчи расталар пайдо бўлди. Улардан тўхтовсиз ва баланд қўйиладиган маъноли-маъносиз ашулалар кишининг ғашини келтиради. Аввалambор, улар жуда кўпайиб кетган, бундан ташқари, шундоқ ҳам бозор ва бошқа гавжум жойларда шовқин-сурон етарли-ку!

Халқимизда яхши кунлар, тўй-тантаналар бисёр. Албатта, тўй энг яхши урф-одатлардан. Шунингдек, тўйни мусиқасиз, ўйин-кулгисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тўйга одамлар дам олиш ва хурсандчилик қилиш учун келишади. Аммо, кейинги йилларда кучайтиргичлар орқали мусиқалар шундай баланд қўйиладиган бўлдики, кишининг қулоғини қоматга келтиради. Баъзи тўйлардан меҳмонларнинг кучли мусиқа овозига чидолмай чиқиб кетган ҳоллари ҳам учраб туради. Тўй эгалари баланд қўйилган мусиқани алламаҳалгача тўхтатишмайди, унинг овози неча-неча чақиримгача тарқалиб, дам олаётган кишилар, айниқса, касалмандлар оромини бузади. Шунингдек, ресторанларда кучайтиргичлар орқали эшиттириладиган концертлар одамнинг ғашига тегади. Маданиятли кишилар мусиқани паст овозда эшитишади. Чунки улар баланд мусиқа ва қўшиқларнинг мазмунини англаш қийинлигини, кишини нохуш аҳволга солишини билишади.

Шовқиннинг киши организмига таъсири унинг ёшига, жинсига, саломатлигига, касбига боғлиқдир. Йигитлик ёшидаги соғлом кишиларга шовқиннинг таъсири унчалик билинмайди. Касалманд, кекса кишилар жиндак шовқинни ҳам сезишади, ундан кайфиятлари бузилади. Қолаверса, шовқинли муҳитда касалманд кишиларнинг тузалиши ҳам қийин кечади. Айниқса, юрак қон-томирлари, асаб, қалқонсимон без касалликлари билан оғриганларга шовқиннинг таъсири кўпроқ билинади. Шунинг учун бундай кишилар тинч, хилват жойларни қўмсайдилар. Киши дам олаётганида, ухлаётганида ҳам шовқин таъсири тез сезилади. Айниқса, тўсатдан содир бўлган товушлар: машина ва самолётларнинг овози, нохосдан кўтарилган телевизор ва радионинг товуши, итларнинг ҳуриши, одамларнинг бақир-чақирлари асабга қаттиқ таъсир этади.

Ақлий иш билан шуғулланувчи кишиларга шовқиннинг таъсири, айниқса, кўпроқ бўлади. Бундай кишиларнинг шовқинли муҳитда, аввало, иш қобилияти пасаяди, кейинчалик бутунлай йўқолиши мумкин. Шу сабабдан ижодий иш билан шуғулланувчи кишилар хилват, сокин жойларда ёки кечаси ишлашни ёқтирадилар. Албатта, жисмоний иш билан шуғулланувчиларнинг ҳам шовқинли жойларда иш унумдорлиги юқори ва сифатли бўлмайди.

Шовқиннинг салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида Германиянинг Ганновер шаҳарчасидаги конструкторлар бюросининг биносини ташқаридан ҳеч қандай товуш ўтмайдиган қилиб қуришган. Яъни деразалари уч қаватли ойна, деворлари товушни тўсувчи махсус панелдан қурилган. Аммо бундай тинч хоналарда ишловчи ходимлар бир ҳафта ўтар-ўтмас асабийлашиб, иш қобилиятларини йўқотганлар. Корхона маъмурияти магнитофон лентасига кўча шовқинини ёзиб, вақти-вақти билан пастроқ ҳолда эшиттирганда, ходимларнинг иш қобилияти яна жонланган. Бу тажриба шуни кўрсатадики, доимо қулоққа эшитилиб турган товушларни кескин тўхтатиш ҳам, бош мия фаолияти пасайиб, кишининг иш қобилияти сусайишига олиб келади. Шунинг учун киши кундалик турмушда учрайдиган ўртача кучдаги товушларни эшитиб туриши лозим. Айниқса, ўртача баландликдаги ёқимли мусиқа овозлари киши кайфиятини яхшилаб, иш қобилиятини оширади.

Халқаро келишувга биноан товуш интенсивлиги децибел билан ўлчанади. Товушнинг интенсивлиги 0 дан бошланиб, 130 дб га етганда унинг таъсир кучидан кишининг қулоғида оғриқ пайдо бўлади.

Шовқинли корхоналарда ёмон эшитувчи, асаб, юрак қон-томирлари, ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган кишиларни ишга жалб этмаслик керак. Чунки, бундай касалликлар шовқин таъсирида тез кучайиб кетади. Шунингдек, бундай корхоналарда ишловчилар вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиб турилиши керак. Шовқиннинг зарарли оқибатлари ҳақида мактаб ва ўқув юртларида, маҳаллаларда, корхоналарда, ёшлар ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш лозим. Аввало ҳар бир киши ўз уйида тинчликни сақлаб, қўшнисининг оромини бузмаслик тўғрисида ўйлаши керак. Аҳолининг яшаш ва ишлаш жойларида осудаликнинг таъминланиши одамлар соғлигини муҳофаза этишнинг муҳим омилидир.

Саҳифа материалларини вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» мухбири Хуршида НАЗАРОВА тайёрлашди.

Спорт ○ Спорт

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗНИНГ ИЛК ЗАФАРИ

КАТАР пойтахти Доҳа шаҳрида футбол бўйича Осиё, Европа ва Африка қитъаси мамлакатлари ёшлар терма жамоалари иштирокида ташкил этилган нуфузли халқаро турнирда биринчи тур учрашувлари ўтказилди.

Мусобақанинг "А" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки учрашувда мезбонлар – Катар ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушди. Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари рақиб жамоа майдонида тўп сурганига қарамай, ишончли ўйин намойиш қилди.

Дастлабки дақиқаларданоқ ҳужумга зўр берган ёш футболчиларимиз биринчи бўлим бошида ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Бу вазиятда катарлик футболчилар терма ўйин қоидасини бузди. Дарвозадан ўттиз метр узоқликда белгиланган жарима тўпини Ўзбекистон терма жамоаси сардори Шерзод Каримов тўғри дарвоза тўрига йўллади.

Учрашувнинг ўн бешинчи дақиқасида Даврон Мирзаев ўзини кўрсатди. Россия чемпионатида "Рубин" жамоаси таркибида тўп сураётган иқтидорли ҳужумчимиз Катар терма жамоасининг уч нафар ҳимоячисини доғда қолдириб, ажойиб гол муаллифи бўлди.

Икки тўп фарқи билан ҳисобда олдинга чиқиб олган ҳамюртларимиз беллашувнинг иккинчи ярмида бироз хотиржамликка берилди. Натижада асосий эътиборни ҳужумга қаратган мезбонлар ҳужумчиси Одил Аҳмад жавоб тўпини киритди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2:1 ҳисобида зафар қучиб, дастлабки уч очко эгаси бўлди.

Иккинчи тур учрашувлари олдидан "А" гуруҳида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси пешқадамлик қилмоқда.

Мусобақанинг "В" гуруҳида Польша, Германия, Япония ва Миср ёшлар терма жамоалари иштирок этмоқда.

ЎзА.

«ПАХТАКОР» – ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР!

РОССИЯНИНГ Санкт-Петербург шаҳри мезбонлик қилаётган футбол бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақасида Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Мусобақанинг "D" гуруҳидан жой олган пахтакорчилар биринчи турда Украина чемпиони – Киевнинг "Динамо" жамоасига қарши тўп сурди. Равшан Ҳайдаров шогирдлари учрашувни кескин ҳужумлар билан бошлади. Натижада ўн биринчи дақиқадаёқ Зайниддин Тожиев аниқ зарба билан ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Вазиятни ўнглаш мақсадида олдинга ташланган "Динамо" вакиллари Ўзбекистон чемпиони ҳимоя чизиғини ёриб ўтолмади.

Беллашувнинг иккинчи ярми ҳам пахтакорчилар устунлигида ўтди. Бироқ ҳамюртларимиз қулай вазиятлардан унумли фойдалана олмади. Шундай бўлса-да, ўйин 1:0 ҳисобида пахтакорчилар фойдасига ҳал бўлди.

Гурухдаги иккинчи учрашувда Арманистоннинг "Бананц" жамоаси "БАТЭ" (Беларус) футболчилари билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақасининг амалдаги ғолиби – "Пахтакор" иккинчи тур учрашувини "Бананц"га қарши утказди. Ўйинда рақибга нисбатан ҳар томонлама устунлигини исботлаган тошкентлик чарм тўп усталари йирик ҳисобда ғалаба қозонди.

Ўзбек футболчилари ҳисобни ўн биринчи дақиқада очди. З. Тожиевнинг аниқ зарбасини арманистонлик посбон қайтара олмади. Орадан ўн бир дақиқа ўтгач, Анвар Солиев гол киритди.

Беллашувнинг иккинчи ярмида ҳужумга ўтган "Пахтакор" ҳимоячиси Илҳом Суюнов "Бананц" дарвозасини ишғол қилди ва ҳамюртларимизнинг 3:0 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Гурухдаги иккинчи жуфтлик – "Динамо" ва "БАТЭ" жамоалари ўртасидаги беллашувда ғолиб аниқланмади – 1:1.

Иккинчи тур якунига кўра, олти очко жамғарган "Пахтакор" гуруҳда биринчи бўлиб чорак финалга йўлланма олди.

Эслатиб ўтамиз, мусобақа қоидасига биноан ҳар бир гурухдан дастлабки икки поғонани эгаллаган жамоалар чорак финалга йўлланма олади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги соҳиби эса 27 январь куни ўтказиладиган финал учрашувда аниқланади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

Одамийлик шеваси

БИРИСИН ОЙ АНГЛА, БИРИСИН ҚУЁШ

Марҳум жигарларимнинг турбатини зиёрат этгали баъзан қабристонга кириб ўтаман. Қабристон қоровули (келинг, унинг исмини айтмай, Қобил ака деб қўя қоламан) эллик бешларга борган, гапни кесиб гапирадиган, норғул киши. Яхши суҳбатдош. Айниқса, байту ғазал ўқишни хуш кўради. Ҳар сафар учрашганимизда, сўзини Яссавий ё Машраб ёхуд Сўфи Оллоёр шеърларини ёд ўқишдан бошлайди.

Бугун ҳам ишдан кейин мозористон томон бурилдим. Қобил ака кираверишдаги бобочинор тагида ўтирибди. Мени кўрди-ю, «Э, келинг, домла!» деб ўрнидан турди. Бир пиёла чой узатди.

– Чилла чиллалигини қилади-да, тўғрими? Бурунгилардан қолган гап бор, – у томоқ қириб кўйиб, ширали товушда халқ термаларидан ўқий кетди:

Бедананинг ётар
жойи хас бўлур,
Чилла тушса, нор
туялар маст бўлур.
Қари ўлса, ул
Худонинг хасмидур,
Йигит ўлса, баланд
тоғлар паст бўлур.

Қобил ака дуога қўл очди:

– Илоҳо, мана шу дарахтнинг битта япроғи ҳам бемаврид узилмасин! Илоҳо, марҳумларни ўзинг шафоат айлагин!

Қоровул икковлон бирга лашиб, қавму қариндошлар, таниш-билишлар қабрларини айландик, уларнинг ҳаққига дуо қилдик. Кейин чинор остида анчагача гурунглашиб ўтирдик. Гап айланиб, хоксорлик, қаноат, одамийлик, такаббурликка тақалди.

Қобил ака тағин Яссавий ҳикматларидан ўқиди:

Шаксиз билинг, бу дунё
барча халқдин ўтаро,
Инонмағил молингга,
бир кун қўлдан кетаро.
Ота-она, қариндош, қаён
кетди, фикр қил,
Тўрт оёқли чўбин от
бир кун сенга етаро!

Ана домла, пири Туркистоний то қиёматгача эскирмайдиган ҳикматни тўрт оғиз қилиб айтиб қўйибдилар. Ўзимиз-ку, бу фоний дунёда омонат эканмиз, нега кибру ҳавога бериламиз, а, тушунсам ўлай! Уч қаватли шоҳона иморат қурдим, деб кериламиз. Юз миллион сўмга олган машиналаримизни кўз-кўз қиламиз. Якшанба куни неваралар билан Парижга бориб, музқаймоқ еб келдик, деб гариллаймиз. Майли, ош бўлсин. Аммо, мундоқ ёнбошингдаги есир хотиннинг болаларидан ҳам хабар олдингми? Уларникида қора қозон ҳар куни қайнаётганмикан, биласанми? Сенинг кекиришингни девордан эшитиб қолса, ўша етимлар ўксимайдими? Атрофингда биров йиғлаб турса, сен бахтли бўла оласанми? Шуларни ўйласам, кўнглим бузилади, ё Оллоҳ, бойваччаларимизга ҳам инсофу тавфиқ бер, деб тилайман.

Қобил ака совиган чойини симирдию ўрнидан қўзғолди:

– Бу ёққа юринг, домла, сизга бир нима кўрсатаман.

– Қаёққа борамиз?

– Юраверинг, дунёнинг ишларини бир томоша қиласиз.

Қабристоннинг тўрига қараб юрдик. Ниҳоят, катта бир хилхона олдида тўхтадик. Тўрт томони ўн метрдан келадиган чорбурчак қабрхона. Хилхона атрофига қора мармардан панжара ўрнатилган. Панжаранинг ҳар ер-ҳар ерига тарвуздек думалоқ тошлар қўйилган. Улар ҳам қора мармардан. Кираверишдаги йўлка, зиёратчилар ўтирадиган курсилар, гулдонлар – бари мармар тош. Ўртада ота-она шаънига қўйилган маҳобатли ёдгорлик. Баланд, энлик ёдгортошга зарҳал ҳарфлар ила муҳаббатнома битилган. Бу дабдаба, бу ҳашаматга ақлингиз шошади. Беихтиёр «Қанчага тушган экан, а бу?» деган савол айланади кўнглингизда.

– Саккиз уста бир ойча ишлади, – деди Қобил ака. – Йўқ деганда бир иморатнинг пули кетгандир-ов. Майли, ота-онага ҳар қанча қилса ярашади. Бу йигит пулдор, дўконлари бор. Аммо, алам қиладиган ери шундаки, ота-онаси тиригида уларни ойлаб кўрмас экан. Тижорат билан овора бўлиб, онасининг жанозасига ҳам етиб келолмади. Отаси уйга сиғмади. Келиннинг дастидан қизиникига бориб яшади. Ана энди «дунёда энг азиз, энг мўътабар, каъбам онам, қиблагоҳим отам», деб ёздириб қўйибди. Бу иккиюзламачилик, мунофиқлик эмасми, домла? Тиригида хор бўлган ота-онага бундай ёдгорлик не даркор? Аслида бу ҳалиги бойвачча ўғилга керак. Кўрдинглармми, биз ота-онамизнинг ётган ерларини обод қилиб қўйибмиз, деб ҳамтовоқларига мақтаниши керак-да! Бундай манманликни Оллоҳ ҳам кечирмайди.

Қобил аканинг куйинганича бор. Кейинги пайтда онаси кўз юмса, «мени тўқ ҳотин ўлибди» дейдиган, отаси қазо қилса «ўзи қариб-чириган эди, дунёга устун бўлармиди?» дейдиган ақли ноқис, думбул ёшлар оз бўлсада учраяпти. Уларнинг кўнглини меҳр, мурувват, оқибат, садоқат, инсоф нурлари эмас, дунё ҳою ҳаваслари, молу давлат ҳирси эгаллай бошлади. Бу хавфли хуружнинг оқибатларини ўйлаб, «Кўзингни оч, эй инсон!» дегингиз келади. Яхшиларнинг кўнгил тўрига битилган мана шу шоҳ байтларни такрорлашни афзал кўрасиз:

Бошни фидо айла ато
қошиға,
Жисмни қил садқа
ано бошиға.
Тун-кунингга
айлагали нурфош,
Бирисин ой англа,
бирисин қуёш.

Саъдулла СИЁЕВ.

КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ СЕВИМЛИ ЖУРНАЛИ

ДУНЁДА болажонлар кулгуси, қувончидан ортиқ ҳузур-ҳаловат бўлмаса керак. Бола кўнгли мисоли оқ қоғоз: қандай сўзлар ёзилса, унинг чеҳрасида шундоққина акс этади.

Беғубор болалик йилларини чуқур ҳаяжон билан эсламайдиган инсон камдан-кам топилади. Боғча опа, биринчи ўқитувчи, қўлимизга илк бор тутқазилган «Алифбе» китоби ўша унутилмас даврнинг ноёб эсдаликлари. Шулар қаторида болалик дунёсининг яна бир муждаси – «Ғунча» журнали ҳам, мана ярим асрдан буён фарзандларимизнинг яқин дўсти, севимли ҳамроҳига айланган. Айниқса, мустақиллик йилларида ўзгача мазмунмоҳият касб этган «Ғунча»нинг муштарийлари – журналхон болажонларимиз ҳозирги кунда юз мингдан ошиб кетди. Бу бежиз эмас, албатта. Эндигина ҳаёт, тириклик ҳақидаги тасаввурлари шаклланиб келаётган болажонларнинг беҳисоб саволлари, турли-туман қизиқишларига жавоб бера оладиган журнал ҳақида муштарийлар шундай дейди:

Фарруҳ Очилов, Тошкент туманидаги 1-мактабнинг 5-синф ўқувчиси:

– Мен «Ғунча»ни биринчи синфдалигимдаёқ севиб ўқирдим. Тўғри у пайтларда кўпроқ расмларини томоша қилардим. Кейинчалик шеър, ҳикоя, эртакларни ўқий бошладим. Ҳозир эса ўзим ҳам шеър ёзишга ҳаракат қилаяпман. Яқинда бувижоним ва буважонимга атаб ёзган шеъримни журналда босиб чиқаришди. Уни барча оила аъзоларимиз билан биргаликда ўқиб, роса қувондик.

Дилфуза Абдуллаева, Оҳангарон туманидаги бошланғич синф ўқитувчиси:

– Беғубор болалик онлари унутилмас воқеаларга бой бўлади. Кўрган, эшитган воқеа-ҳодисани жуда тез илғаб олиш ва тақлид қилиш болаларга хос хусусият. «Ғунча» саҳифаларида бериб борилаётган ватанпарварлик, инсонпарварлик, эзгулик каби одамийликни тарғиб қилувчи материалларни синфда ўқувчилар билан биргаликда ўқиб, муҳокама қиламиз. Журналнинг лотин графикаси асосида чоп этилаётганлиги, айниқса, бошланғич таълим жараёнида қўл келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам болалар саводхонлигини оширишда, дунёқарашининг шаклланишида муносиб улуш қўшаётган журнал жамоаси «Ёшлар йили»да «Ғунча»нинг янада сермазмун, ранг-баранг расмлари, ажойиб эртак, ҳикоя, шеърлари билан мухлисларини, болажонларни хушнуд этиш ниятида. Яхши ният билан қадалган уруғ мўл ҳосил бериши тайин. Эзгулик уруғидан униб чиққан ниҳол куртаклари келгусида ғунча боғлаб, гул очса, озод Ватан кўксидаги гўзал чаманзорга айланса, гулғунчаларнинг умри бардавом, келажаги порлоқ бўлиши шубҳасиз.

Сайёра РИХСИЕВА.

Қатра

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ

Ўрмоннинг бир чеккасида шер ухлаб ётарди. Сичқон унинг устига чиқиб, ўйнай бошлади. Шу пайт шер уйғониб кетди ва сичқонни тутиб олди.

– Қалайсан, миттивой? – деди шер, – шундай сиқиб, мажақлаб қўя қолайми?

– Ихтиёринг, – деди сичқон, – жоним қўлингда, ўлдирсанг ўлдиравер. Агар қўйиб юборсанг, бир кун келиб, сенга яхшилик қиламан.

– Сенинг қўлингдан нима яхшилик келарди, – деди кулиб шер. Лекин сичқонга раҳм қилиб қўйиб юборди.

Бир куни шер овчиларнинг қўлига тушиб қолди. Уни дарахтга боғлаб қўйиб, овчилар тушлик қилгани ўтирдилар. Шер наъра тортди. Буни сичқон эшитиб қолди. Шипиллаб етиб келди. Қараса, халоскори дарахтда боғлиқ турибди. Сичқон арқонни ғажишга тушди. Анчадан кейин ип узилди ва шер бандиликдан қутилиб кетди.

«Кичкина деманг бизни» деб шунга айтсалар керак-да.

Сайфи СОДИҚ.

СКАНВОРД



Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш бўйича Малака комиссиясининг 2007 йил 25 декабрдаги йиғилиш қарорига асосан Тошкент вилоят адвокатлар ҳайъати адвокати Шахло Ўктамовна Бўриевага Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2001 йил 12 декабрь куни берилган TS 000358-сонли адвокатлик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

Об-ҳаво

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 23 январь куни Тошкентда ҳаво очиқ бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 6-8 даража совуқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво очиқ бўлади, айрим жойларга туман тушади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 3-8 даража совуқ бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН Тасвирий санъат галереясида ёш мусаввир Камолжон Бобоевнинг "Серқуёш замин" мавзуидаги бадиий кўргазмаси очилди.

СЕРҚУЁШ ЗАМИН

К. Бобоев Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида, сўнгра "Истеъдод" жамғармаси йўлланмаси билан Италиянинг Альдо Галли номидаги нафис санъат академиясида таҳсил олган. Ижодий ишларининг асосий мавзуи она Ватанимиз манзаралари, сахий, бағрикенг ва фидойи ҳамюртларимиз ҳаёти. Ёш мусаввир нафақат юртимизда, балки халқаро миқёсдаги бадиий кўргазма ва фотофестивалларда ҳам ўз ишлари билан муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Кўргазмада рассомнинг тасвирий ва фото санъатига оид элликдан зиёд ижодий иши намойиш этилмоқда. Уларда заминимизнинг сўлим манзаралари, меъморий обидалар, умрбоқий қадрият ва анъаналаримиз ёркин бўёқларда акс эттирилган.

ЎзА.

АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВ БОШЛАНДИ

УЛҒАЙИБ келаётган авлодни баркамол этиб тарбиялаш, истеъдодли, изланувчан, ташаббускор ёшларни излаб топиш ва уларга ўз салоҳиятини тўла намоён этишида кўмаклашиш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Бу борада ишлаб чиқилган давлат дастурларида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда халқаро компаниялар ҳам фаол иштирок этаётир.

Жанубий Кореянинг LG Electronics компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан қарийб беш йилдан буён ҳаётга татбиқ этилаётган ижтимоий-маърифий лойиҳалар бунга мисолдир. Мазкур компания 2003 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Йилнинг энг яхши ғояси" ва LG гранти учун танлов ўтказиб келмоқда.

Бундан кўзланган мақсад иқтидорли ёшларни топиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат. Ўтган йиллар мобайнида ўнлаб талабалар LG грантини қўлга киритди. "Йилнинг энг яхши ғояси" танловида ғран-при совринини олган истеъдодли ёшлар тараққий этган хорижий мамлакатларда малака оширди.

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида LG Electronics компаниясининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган матбуот анжуманида LG гранти учун навбатдаги танлов бошланганини эълон қилинди.

Мазкур компаниянинг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Ким Жонг Кваннинг маълум қилишича, жорий йилнинг мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан лойиҳа фаолияти доираси ва кўламини янада кенгайтиришга ва грант маблағи миқдорини оширишга қарор қилинган. Унда бу йил пойтахтимиз ва Самарқанд шаҳридаги олий таълим муассасалари талабалари иштирок этади. Иқтисодиёт, педагогика, филология, тиббиёт, молия, ҳуқуқшунослик, журналистика, ахборот технологиялари, муҳандислик ва санъат йўналишларида йигирма нафар ғолиб аниқланади. Уларнинг ҳар бири бир миллион сўм миқдоридаги грант билан тақдирланади. Бу маблағ талабанинг таълим контрактини тўлашга йўналтирилади.

Танловда иштирок этиш истагида бўлган ёшлар, авваламбор, таълимнинг контракт шаклида таҳсил олаётган бўлиши лозим. Шунингдек, талабанинг аъло рейтинг аттестацияси, жамоат ишларидаги фаоллиги, намунали хулқи, интеллектуал ва ижодий салоҳиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

LG гранти учун танловга жорий йилнинг 28 мартига қадар ҳужжатлар қабул қилинади.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

Қуйичирчиқ (собиқ Ғалаба) туманидаги 59-мактаб томонидан 1982 йилда Миртажиева Матлюба Айткуловна номига берилган № 047294 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мусаев Абдусаидхўжа Тулқинович номидаги Ангрен шаҳри, Қизил тоғ қўрғони, Политаева кўчаси, 50-уй, 20-хонадонга тегишли 1992 йил 14 августдаги Р-2631-сонли олди-сотди шартномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянные кадастровые документы № 4-636/2004 выданное на имя Турсунбаева Сатынбай по адресу: Хамзинский район, 2-квартал, ул. Слонима, дом № 1, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Тошкент вилояти Архив иши бошқармаси жамоаси вилоят Давлат архивининг Янгийўл филиали директори **Зита Ахметова ФАСХУТДИНОВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54. Эълонлар: 233-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-40. Адади 10215. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.10. 1 2 3 4 6 7 8